*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 80 (9066). • 1987 йил 25 апрель • шанба • Баҳоси 3 тийин.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 23 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида партия XXVII съездининг топшириғига мувофиқ, бошқаришнинг иқтисодий методларига ўтиш ҳамда давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонун лойиҳасида баён этилган қоидаларни амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида молия-кредит механизмини ва нарх белгилаш системасини қайта қуриш билан боғлиқ масалалар комплексини кўриб чиқди.

Муҳокама давомида таъкидлаб ўтилганидек, маблағ билан таъминлаш, кредит бериш ва нарх белгилаш янги механизми мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга, ишлаб чиқаришни интенсивлашни ўстиришга, ресурсларни тежашга бутун чоралар билан кўмаклашиши, умумдавлат, коллектив ва шахсий манфаатларнинг қўшиб олиб борилишини, партиянинг совет кишилари фаровонлигини оширишга қаратилган йўли изчиллик билан рўёбга чиқарилишини таъминлаши лозим.

Бу ишнинг яхшиланиши экономика самарадорлигини оширишга, бирлашмалар ҳамда корхоналарнинг тўла хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш принципларини тадбиқ этишга ёрдам бериши керак. Корхоналарнинг давлат бюджети билан ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириш, уларни молиявий органларнинг майда-чуйда ишларга васийлигидан ва қатъий регламентга солиб қўйишидан халос этиб, норматив асосга ўтказиш кўзда тутилган. Барча бошқарув даражаларида молиявий-иқтисодий ишларни такомиллаштириш, тармоқларда молиявий ишларнинг аҳволи ва хўжалик юритиш натижалари учун министрликлар билан идораларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Партиянинг иқтисодий стратегиясини рўёбга чиқаришда банкларнинг роли ва масъулиятини ошириш, халқ хўжалигини ривожлантиришга уларнинг таъсирини кучайтириш мўлжалланади. Хўжалик юритиш янги шароитида кредитни таъсирчан иқтисодий воситага айлантириш, кредит беришнинг энг асосий принципларига қатъий риоя этиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, зарарни ва хўжасизликни қоплаш учун кредитдан фойдаланишга йўл қўймаслик чоралари кўзда тутилмоқда. Банк системаси структурасини янада такомиллаштириш, кредит муассасаларини хўжалик ҳисобига ўтказиш, иш услуби ва методларини яхшилаш йўллари белгиланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси М. С. Горбачевнинг ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский СССРга дўстона визит билан келган вақтида у билан ўтказган музокараларнинг якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади.

Музокаралар вақтида идеология, фан ва маданият соҳаларида Совет — Польша ҳамкорлиги тўғрисида имзоланган Декларация жамият ҳаётининг ана шу муҳим соҳасида иккала мамлакат ҳамкорлигининг бутун комплексини анча олға силжитади. СССРдаги чуқур қайта қуриш ва ПХРда амалга оширилаётган социалистик янгиланиш йўли жамоат ташкилотлари, ижодий союзлар, илмий муассасалар, министрликлар ҳамда идоралар ўртасида актив баҳамжиҳат ҳаракат қилиш ва тажрибани ўртоқлашиш учун, қардош мамлакатлар меҳнаткашларининг кенг кўламда мулоқот қилишлари учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда.

Совет ва Польша корхоналари ўртасида иқтисодий кооперацияни, бевосита алоқаларни янада чуқурлаштириш масалалари юзасидан визит чоғида эришилган аҳдлашувлар маъқулланди. Халқаро сиёсатга, қуролсизланишга, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга оид туб масалаларга бир хилда ёндашилаётганлигидан мамнуният изҳор қилинди.

Сиёсий бюро Декларациянинг асосий қоидаларини рўёбга чиқариш ҳамда Совет — Польша ҳамкорлигининг бошқа йўналишларини ривожлантириш юзасидан конкрет топшириқлар берди.

М. С. Горбачевнинг дўстона визит билан СССРга келган Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгашининг раиси Менгисту Хайле Мариам билан ўтказган суҳбати тўғрисидаги ахбороти тингланди. Ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларига СССР билан Эфиопиянинг ёндашуви муштараклиги, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга ўзаро интилиш мамнуният билан қайд этиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида П. Н. Демичевнинг Совет давлат делегациясининг Ироқ республикасига қилган визити тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди, шунингдек XXVII съездининг ҳамда КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

# ЭКОНОМИКАМИЗ ОДИМЛАРИ

*СССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти*

1987 йилнинг биринчи кварталида ижтимоий ишлаб чиқаришини ва халқ фаровонлигини янада ўстиришга эришилди. Бироқ ташкилотчилик ва хўжалик фаолиятида йўл қўйилган нуқсонлар, бир қанча тармоқлардаги корхоналар, бирлашмаларнинг қишки шароитга ва ўсиб бораётган талабларга суст тайёргарлик кўрганликлари туфайли кўпгина кўрсаткичлар бўйича план топшириқлари бажарилмади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши жадаллаштирилганлигига қарамай, йил бошида йўл қўйилган қолоқликка март ойида тўла-тўкис барҳам берилмади. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг 1987 йилнинг биринчи кварталида бажарилиш якунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида шу ҳақда гапирилади.

Саноат маҳсулоти ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 5,4 миллиард сўмлик кўпайди.

Мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашда 6,3 миллиард сўм давлат капитал маблағларидан фойдаланилди ёки ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 12 процент кўп сарфланди. Саноатда 1300 та механизациялашган поток, автомат, ротор ва роторли-конвейер линиялари, рақамли программа билан бошқариладиган 3 мингта металл қирқиш станоги ўрнатилди.

Маҳсулот сифатига талаб оширилди. 1987 йилнинг 1 январидан бошлаб 1,5 минг саноат бирлашмаси ва корхонасида давлат қабули жорий этилди. Уларнинг кўпчилиги технология интизомига риоя этиш ва маҳсулот сифатига қўйилаётган оширилган талабларига тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди.

Саноатни икки ва уч сменали иш режимига ўтказиш бошланди. Натижада ишнинг сменалилиги бирмунча кўтарилди, қиймати 274 миллион сўм бўлган 44 минг донага яқин ускуна, 417 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдони бўшатиб олинди.

Март ойида саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми ўтган йилнинг амалдаги даражасига нисбатан 6 процент, умуман биринчи кварталда 2,5 процент ортди.

СССР Химия саноати министрлиги, СССР Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги, СССР Автомобиль саноати министрлиги, СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги, СССР Енгил саноат министрлиги, шунингдек саноат бошқа тармоқларининг 37 катта бирлашмаси (корхоналари) тўла хўжалик ҳисобига, ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказилди. Улар товар маҳсулоти умумий ҳажмининг 20 процентдан кўпини ишлаб чиқармоқда.

Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврдаги амалий даражасига нисбатан 2,6 процент ортди, ишлаб чиқаришнинг бутун ўсиши шунинг ҳисобига олинди.

Корхоналарнинг 80 проценти шартномавий мажбуриятларни тўла ҳажмда уддалади. Умуман маҳсулот реализация қилиш плани маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятлар ҳисобга олинган ҳолда 97,8 процент бажарилди, бу рақам 1986 йилнинг биринчи кварталидагидан пастдир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажми шу йилнинг биринчи кварталида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,7 процент кўпайди, ижтимоий қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги 9,5 процент ошди.

Гўшт ва сут маҳсулотларини, тухумни умумиттифоқ фондига етказиб бериш плани умуман ҳам, барча иттифоқдош республикалар томонидан ҳам бажарилди.

1987 йилнинг биринчи кварталида ликер-арақ ва виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20 процент қисқартирилди.

СССР Агросаноат давлат комитетининг қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт етиштириш 8 процент, сут етиштириш 6 процент, тухум етиштириш 2 процент кўпайди.

Давлат капитал маблағи ҳисобидан ишга туширилган **асосий** фондлар 16,4 миллиард сўмликни ташкил этди ёки биринчи квартал плани 93 процент бажарилди. Капитал қурилишдаги қайта қуриш суст амалга оширилмоқда, бу соҳада ҳали сезиларли силжиш рўй бергани йўқ.

Кўпгина қурилиш ташкилотлари 1987 йилнинг пландаги объектларда иш бажариш ўрнига ўтган йили ишга туширилган объектлардаги камчиликларни тугатиш билан шуғулландилар.

Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи 1987 йилнинг биринчи кварталида ўтган йилнинг шу давридаги 198 сўмдан 202 сўмга етди ёки 2 процент кўпайди. Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 4 процент ошди.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида кооперативлар тузиш авж олмоқда.

36 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 2,4 минг ўринли ҳунар-техника билим юртлари, 22 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 2,7 минг ўринли касалхоналар, ҳар сменада 10,5 минг беморни қабул қилишга мўлжалланган амбулатория-поликлиника муассасалари ишга солинди. 8,9 минг ўринли клублар ва маданият уйлари қурилди. Мактабгача тарбия муассасалари, поликлиникалар, айниқса, клуб ва маданият уйларини фойдаланишга топшириш плани бажарилмади.

Совет Иттифоқи аҳолисининг сони 1987 йил 1 апрелида 282,3 миллион кишига етди.

(ТАСС).

## ХУШХАБАРЛАР

✦ ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводи Афғонистонга маҳсулот етказиб бера бошлади. Қўшни мамлакатга бир неча хил сирланган идишлар жўнатилди. Контейнерларда чойнак, кастрюль, лаган, кружка, ошхона анжомлари бор. Бу ерда йил бошидан бери янги буюмларнинг ўн хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ассортиментни такомиллаштириш давом этмоқда.

✦ СЕРГЕЛИ темир-бетон буюмлар заводининг ишчилари икки юз ўринли ётоқхонага эга бўлдилар. 351-қурилиш-монтаж поездининг бригадалари Биринчи Май мажбуриятларини бажара бориб, Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида барпо этилган Юбилейний посёлкасидаги кўп қаватли турар-жой корпусида ишларни ниҳоясига етказди. Уйда икки ва уч ўринли хоналар, сартарошхона, тикувчилик ва пойабзал устахоналари, дам олиш ва машғулот хоналари бор.

✦ «ЭЛЕКТРОН ТОКАРЬ» — роботлаштирилган системага бирлаштирилган рақамли программа билан бошқариладиган станок юксак аниқлик билан ишлаш имконини беради. «Ташхимсельмаш»га бундай комплекслар Москвадаги «Красний пролетарий» заводидан келтирилди. Бу — корхона цехларига ўрнатилган шу хилдаги бешинчи агрегатдир. Ускуна ягона технологик занжирга уланган. Унда ОВХ-28 — ердан туриб пуркагич агрегатларининг асосий деталлари тайёрланади. Янги техника машинасозларга йил охирига мўлжалланган меҳнат унумдорлиги даражасига етиб олиш имконини берди.

(ЎзТАГ).

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ V СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ВА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўзбекистон хотин-қизлари V съезди делегатлари билан қатнашчиларини қизғин ва самимий табриклайди.

Бу галги съезд алоҳида аҳамиятга эгадир, чунки у жабр-зулмнинг барча формаларига барҳам берган, хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлигига чек қўйган, уларга меҳнат қилиш, билим олиш, сиёсий ва ижтимоий турмушда қатнашиш учун баббаравар имкониятларни вужудга келтирган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган йилда ўтмоқда. Социализм оташин ватанпарвар, толмас меҳнаткаш, мамлакатнинг тўла ҳуқуқли соҳибаси бўлган хотин-қизларни тарбиялаб етиштирди.

Бугунги кунда республикамизнинг ажойиб меҳнаткаш хотин-қизлари ўн иккинчи беш йилликнинг олдинги марраларида бормоқдалар. Улар КПСС XXVII съезди қарорларини бажара бориб, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ҳамда барча жабҳаларида янгиланишни жадаллаштириш учун ўзларининг бутун куч, билим, тажриба ва маҳоратини сарфламоқдалар.

Аёлларнинг олижаноб оналик меҳнати, болаларни тарбиялашга, оилани шакллантириш ва мустаҳкамлашга қўшаётган бебаҳо ҳиссаси халқнинг чуқур миннатдорчилигига сазовор бўлмоқда.

Социалистик жамиятнинг нуфузли кучи бўлган хотин-қизлар сиёсий ҳаётда, қайта қуришда актив иштирок этмоқдалар, тузумимиз идеаллари ва қадриятларини қарор топтириш учун кўп иш қилмоқдалар.

Хотин-қизлар кенгашлари жамият ҳаётида хотин-қизларнинг роли ва аҳамиятини оширишга кўмаклашмоқда. Хотин-қизлар кенгашлари кенг тармоғи ташкил этилганлиги ва улар Совет хотин-қизлари комитети бошчилигида ягона системага бирлашганлиги совет жамиятини демократлаштиришда, халқнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантиришда қўйилган муҳим қадамдир.

Ана шу жамоат ташкилотларининг роли ғоят катта ва масъулиятлидир. Улар хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилиши, ўқиши, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, меҳнат ва ижтимоий фаолиятда актив қатнашиш билан оилавий, оналик мажбуриятларини қўшиб олиб боришга имкон берадиган замонавий турмуш учун аёлларга барча шароитларни яратишда партия ташкилотларининг ёрдамчилари бўлишлари керак.

Республика хотин-қизлар кенгашлари совет оиласини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, меҳнат қонунларига оғишмай риоя этиш учун кўп иш қилишлари керак. Мазкур қонунларда умумий қоида ва нормалар билан бирга хотин-қизлар меҳнати ва саломатлигини муҳофаза қилувчи махсус қоида ва нормалар кўзда тутилган. Ҳар бир оилада турмуш маданиятини ошириш, янгича совет маросимларини жорий этиш, аҳлоқий, атеистик, интернационал тарбия, хотин-қизларга, уларнинг талаб-эҳтиёжларига барча органларда, барча мансабдор кишилар ғамхўр ва ҳурмат билан муносабатда бўлишларини таъминлаш хотин-қизлар ташкилотлари ишида муҳим йўналишдир.

Шубҳа йўқки, Ўзбекистон хотин-қизлари ўз съездида бутун дунёда тинчлик учун тинимсиз кураш олиб боришга астойдил интилаётганликларини янги куч билан намойиш этадилар, партия ва ҳукуматимизнинг тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашларини, Ер юзида ҳаётни, тинч осмонни ва келгуси авлодлар учун бахтли истиқболни сақлаб қолиш муддаосини изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика хотин-қизлари V съездининг делегатлари ва қатнашчиларига самарали ишлашларини ва хотин-қизлар ҳаракатининг энг муҳим вазифаларини ҳал этишда муваффақиятлар тилайди.

Азиз хотин-қизлар, Сизларга саломатлик, бахт-саодат, хотиржамлик, шод-ҳуррамлик, тинч истиқбол тилаймиз!

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

# СУРИЯ РАҲБАРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан 23 апрель куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Меҳмон аэродромдан Кремлга йўл олди.

* * *

Катта Кремль саройининг Георгий залида Ҳ. Асадни кутиб олиш тантанали маросими бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Сурия раҳбарини самимий саломлашиб кутиб олди.

(ТАСС).

# Замон билан ҳамнафас

**21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ**

— Тошкентдаги темирйўлчилар маданият уйида очилган янги кинолекторий шундай деб аталди. Совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларини қайта қуриш, демократияни такомиллаштириш, халқ депутатлари Советларига янги сайлов системаси унинг асосий мавзуи бўлиб қолди.

Маҳаллий Советларга сайлов ўтказувчи 9-сайлов участкасининг маданият саройида жойлашган агитпунктнинг иши кинолекторийнинг биринчи машғулоти билан бошланди.

— Бизнинг давримизда энди эскичасига ишлаб бўлмайди, — дейди агитпункт мудири С. Н. Қиличев. — Илгари агитаторлар асосан сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаб чиқиш билан шуғулланишарди. Эндиликда биз янгича иш формаларини излаяпмиз, уларни қизиқарли қилиш ҳаракатидамиз. Агитпункт ҳузурида сайловчилар клуби очилди. Клубнинг биринчи машғулотини райондаги саноат корхоналарида, ташкилотларида ўтказмоқчимиз. Янгича сайлов системаси, кўп мандатли округлар тузилиши натижасида одамларда кўпдан-кўп саволлар туғилмоқда. Шунинг учун ҳам биз агитколлектив аъзолари составини синчиклаб танлаб олдик. Унга уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари совет қурилиши масалаларини яхши биладиган совет ходимлари, юристлардан иборат ўттиз лектор аъзо қилиб олинди. Маданият саройи бадиий ҳаваскорлик коллективлари сайловчиларга янги программа кўрсатади. Бу ерда «Билим» жамияти лекторларининг иштирокида савол-жавоб кечалари ўтказилади. Биз ёш сайловчилар ҳақида ҳам ғамхўрлик қилдик. Сарой ташкил этадиган навбатдаги дискотекалар бошланиши олдидан депутатликка номзодлар йигит-қизлар билан учрашиб, сайловолди программалари тўғрисида гапириб берадилар. Агитпункт ҳузурида ижтимоий-сиёсий ва пропаганда адабиёти кутубхонасини ҳам очдик. Унда 200 тадан кўп китоб ва брошюра бор.

Агитпунктда район меҳнаткашлари ҳозирги чақириқ депутатларининг ишлари билан ҳам танишадилар. Бу ерда депутатлар ўз сайловчиларининг наказларини қандай бажарганликларини билдирувчи стендлар қўйилган. Депутатларнинг фахрланса арзигулик ишлари бор. Темирйўл вокзалига ёндош кўчалар ва майдонлар қиёфасини ўзгартирди, янги уйлар қад кўтарди, Тошкент метросининг тармоғи бу ерга етиб келди. Маданият саройи реконструкция қилинди. Унинг ёнидаги парк ободонлаштирилди, эндиликда район аҳолисининг ўз теннис ва бошқа кўп спорт майдонлари бор. Бир неча пивохона ва алкоголли ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар ёшлар кафесига айлантирилди.

(ЎзТАГ мухбири).

# ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

ОХУНБОБОЕВ номли колхознинг Равшан Юнусов бошчилик қилаётган 9-бригада деҳқонлари Тошкент районида биринчилар қатори ишни пудрат усулида ташкил этиб, юқори натижага эришдилар. Ўтган йили 37 гектар ерда деҳқончилик қилган бу коллектив давлатга минг тоннадан ортиқ маҳсулот сотди. Ҳар гектар ердан 4 минг сўм ўрнига 6 минг сўмдан ошириб даромад олинди. Бригада аъзолари мўмай даромад ҳисобига 40 минг сўмдан ортиқ қўшимча ҳақ олдилар.

Деҳқончиликда оила пудратини кенг қўллаб келаётган коллектив аъзолари 1987 йилни ҳам яхши бошлашди. Эртаги сабзавот экинлари ўз вақтида экиб олинди. Карам икки марта ишловдан чиқарилди. Кузда сепиб қўйилган пиёз ва бошқа резаворлар ҳам сифатли парваришланмоқда. 10 гектар ерга картошка экилди. 7 гектар майдонга помидор кўчатлари ўтқазилмоқда.

Бригаданинг Аҳад Аҳмедов, Эркин Забиров, Тожибой Юнусов, Жамила Ҳолиқова сингари тажрибали сабзавоткорлари бу йил эл дастурхонига барвақт сархил маҳсулотлар етказиб беришмоқчи.

**Т. ЖЎРАЕВ.**

## • Чигит экиш кундалиги

**ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 24 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда экилган майдон, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

**(Экиш планига нисбатан процент ҳисобида)**

| | | |
|---|---|---|
| Коммунистик | 2,00 | 94,2 |
| Ўрта Чирчиқ | 1,00 | 76,3 |
| Бекобод | 2,35 | 70,2 |
| Янгийўл | 4.47 | 63,0 |
| Чиноз | 5,80 | 61,9 |
| Оққўрғон | 1,68 | 49,8 |
| Ғалаба | 3,20 | 48,8 |
| Пискент | 1,86 | 42,7 |
| Бўка | 4,26 | 43,7 |
| Область бўйича | 2,85 | 58,0 |

# САМАРАЛИ МУНОЗАРА, ИБРАТЛИ САБОҚ

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида матбуот конференцияси

Ўзбекистон раҳбар ходимларининг республика ва область газеталари, журналлари, телевидение ва радио мухбирлари, нашриётларнинг ходимлари учун ўтказадиган матбуот конференцияларига мунтазам қатнашувчи кишилар шуни албатта пайқаб олдилар: қатнашчиларнинг активлиги тобора ошиб бормоқда, тобора актуалроқ ва ўткирроқ саволлар ўртага ташланмоқда, уларга асослироқ ва очиқ-равшан жавоблар қайтарилмоқда.

Навбатдаги матбуот конференцияси 23 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Х. Холмуҳамедов раислигида ўтди. Журналистларнинг саволларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари жавоб қайтардилар.

Матбуот конференцияси давомида Ўзбекистондаги капитал қурилишнинг аҳволи батафсил ёритилди, халқ хўжалигининг шу жуда муҳим тармоғини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин ва лозим бўлган журналистларнинг биринчи галдаги вазифалари белгилаб берилди.

Қурилиш ишларини матбуотда ёритиш хусусидаги анъанавий қарашлардан воз кечиш пайти келди. Уни қурувчилар билан лойиҳачиларгина эмас, шу билан бирга ва биринчи галда план органларининг ходимлари ҳамда буюртмачилар, шунингдек материал етказиб берувчилар, таъминотчилар, молиячилар, контрол қилувчи ташкилотлар, статистика ходимлари ва бошқа кўпгина муассасаларнинг ходимлари ҳам иштирок этадиган мураккаб кўп тармоқли жараён деб билмоқ керак.

Ҳозир иқтисодий мавзуларда ёзадиган оммавий ахборот воситаларининг ходимларидан юксак билимдонлик, аниқлик, оперативлик талаб қилинади. Журналистлар қурилиш жараёнининг боришини принципиал позицияларда туриб, ҳаққоний ва тўла-тўкис кўрсатиб беришлари, кўпдан-кўп ижобий тажрибанинг ҳар бир заррасини қўллаб-қувватлашлари, ҳали ҳам бутунлай тугатилмаган камчилик ва нуқсонларни дадил очиб ташлашлари лозим.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларига ва халқ судларига ўтказиладиган ҳозирги сайлов кампанияси давомида матбуот кенг миқёсли, ўзига хос ва кўп жиҳатдан ноодатий вазифаларни ҳал этиши керак. Матбуот конференцияси вақтида бу ишнинг ўтган йиллардаги расмиятчилик юкидан қатъиян халос бўлиш, сайловчиларнинг ошиб бораётган активлигини, мамлакатдаги қайта қуриш жараёнида социалистик демократия ривожланиб бораётганини кўрсатиб бериш сингари хусусиятлари таъкидлаб ўтилди. Ҳозир совет сайлов системасини такомиллаштириш юзасидан муҳим эксперимент ўтказилаётган кўп мандатли округлардаги ишларнинг аҳволини синчиклаб ўрганиш ва муфассал тасвирлаб бериш жуда муҳимдир.

Газеталар, телевидение, радио сайлов кампаниясининг ҳамма босқичларини мунтазам равишда кўрсатишлари, сайлов комиссияларининг ишига, депутатликка номзодларнинг сайловчиларга ўз сайловолди программасини тушунтириб бериш соҳасидаги фаолиятига, наказларнинг шакллантирилишига ва уларни ижро этиш соҳасидаги ишни ташкил этишга эътиборни кучайтиришлари лозим. Партиянинг: «Демократия кўпроқ бўлсин, социализм кўпроқ бўлсин!», — деган тезиси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш кунларида янада кўпроқ ишонч кучини бахш этиши лозим. Бемалол суҳбат чоғида журналистлар Ўзбекистон экономикасига, сайлов системасига, оммавий ахборот воситаларининг ҳозирги босқичдаги иш практикасига тааллуқли ўнлаб саволларга жавоб олдилар. Коллектив пропагандист ва ташкилотчи бўлмиш матбуотнинг самарадорлигини ошириш мақсадида унинг хабардор қилиб турилишини янада такомиллаштириш тадбирлари белгиланди.

(ЎзТАГ).

# ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

23 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг пленуми бўлиб ўтди, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси С. Ш. Қурбонов СССР Журналистлар союзининг VI съезди якунлари ва республика журналистлар ташкилотларининг актуал вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Пленумда газета, журналлар, телевидение ва радиоэшиттириш мазмуни ва йўналишида кейинги вақтда муайян ижобий силжишлар бўлаётганлиги таъкидланди. Оммавий ахборот воситалари ҳам хўжалик, ҳам ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган камчиликларни дадиллик билан очиб ташлаб, бу камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатмоқдалар. Аммо, умуман редакциялар ва журналистлар ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш суст бормоқда. Кўпчилик республика ва маҳаллий нашрлар бўш, юзаки материалларни эълон қилмоқдалар. Бундай материаллар партиянинг жадаллаштириш йўлини амалга оширишга ёрдам бермайди.

Пленум қатнашчилари оммавий ахборот воситалари ишидаги камчиликларни бартараф этиш ва белгиланган планларни муваффақиятли бажаришга, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олишга меҳнаткашларни сафарбар этишда уларнинг ролини оширишга қаратилган тадбирларни белгиладилар.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Янги таҳрирдаги союз Уставига мувофиқ республика Журналистлар союзининг правлениеси президиуми ва секретариати сайланди.

(ЎзТАГ)

